

СОМОН ПАРЧА

(“Кундалик Дафтарим”дан)

*“...Даҳр бир сейлобдир мулҳак фано дарёсина
Биз ки сергираниз ул сейлаҳа душмуш хору хас.
Чизгинур хар у хас ул сейлаба олдуқча реван
Етмеден даряя роҳат мумкин олмаз бир нафас...”*
[“Фузулий”]

Топширдим ўзимни муҳитнинг эркига...
Муҳит гирдобида бир сомон парча,
Бир похол чўпидек оқиб борамен.
Ҳар амал, ҳар ишни “ҳақ” деб бораман,
Вазминим қолмади бир узук қилча...
Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни,
Чақмоқдек ялтираб учиш йўқ энди.
Ёлғон хаёлларга кўчиш йўқ энди,
Оқишнинг йўлига солдим кунимни.*.
На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.
Ай ўтли кечмишим, юзингни беркит,
Сенда шайтонларнинг ҳақсиз зўри бор.
Мен энди худди бир сомон парчаси...
Лекин зўр денгизнинг чексиз қўйнида,
Жимгина борадир кирсиз қўйнимда,
Эркин кўпикларнинг алла қанчаси!
Кирмаймен кўчанинг боши беркига,
Чунки таслим бўлдим муҳит эркига...

Андижон, 1923, Октябр